

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 25-iyun, chorshanba № 50 (15792)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, саховат, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инobatга олган ҳолда, жамиятимизда меҳроқибат, ўзаро аҳиллик ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимизга хос олижаноб фазилатларни, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва улуглаш мақсадида:

1. 2014 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 28 июнь кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон муслмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

Мазкур тадбирларни ўтказишда муборак Рамазон ойининг моҳиятида мужассам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини, муқаддас динимиз ақидаларини эъозлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёлари-мизнинг муқаддас қадамжоларини обод этиш борасида кенг кўламли савоб ва тарғибот ишлари ташкил қилинсин. Ушбу кутлуғ ойда амалга ошириладиган хайрия тадбирлари, эҳтиёжманд кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зиёратгоҳларни ободонлаштириш, оила ва маҳаллаларда меҳроқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича олиб бориладиган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 24 июнь

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

## КАЛТА ЎЙЛАШ УЗОҚ КЕЛАЖАККА ҲОВДИР

Мақтабларнинг тўққизинчи синфини битирган ўқувчиларни, хусусан, қизларни коллеж ва лицейларга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида

Андижонлик Дурдона ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Тўққизинчи синфни тамомлаб, педагогика коллежига ўқишга қирмоқчи бўлди. Лекин ота-онаси рўйхушлик бермади.

Қиз мактабда яхши ўқирди. Ўқитувчилари унинг шундай билими билан маълумотсиз қолиб кетишини истамади. Маҳалла фаоллари ҳам буни эътиборсиз қолдирмади. Улар биргаликда ўқувчининг уйига бориб, ота-онасини кўндиришга ҳаракат қилди.

— Биласиз, педагогика коллежи шундоққина туманимиз марказида. Илгаригидек узоқ шаҳарларга бориб ўқимайди, ҳар кун бағрингизда бўлади, — деди ўқитувчилар.

— Давлатимиз томонидан коллеж ўқувчилари учун автобуслар, бепул чипталар ажратилган, бориб-келишга қийналмайди, — деди маҳалла маслаҳатчилари.

(Давоми 5-саҳифада)



«Kamolot» ko'zgusi

## ЁЗНИ ЎТКАЗ СОЗ!

Ҳар йили ёзги таътил пайтида республикамизда «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси амалга оширилади.

Жорий мавсумда самарқандлик «Камолот»чилар лойиҳага қизгин тайёргарлик кўришди. Ёзги оромгоҳларда тарбиячи сифатида фаолият кўрсатадиган Ҳаракат етакчилари учун ўқув-семинари ташкил этилиб, улар тавсиянома асосида шаҳардаги доимий ва кундузги оромгоҳларга жўнатилди.

«Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси тадбирлари Самарқанд тумани Оҳалик кўрғонидаги «Алпомиш» оромгоҳида ҳам бўлиб ўтди. «Камалак»

сардорлари ва «Сардорлар мактаби» аъзолари дам олувчилар ўртасида интерфаол ўйинлар ташкиллаштиради. Ранглар ва исмлар ўйинлари, қувноқ стартлар, тез айтишлар шулар жумласидан.

Сўнгра Асрор Жўраев номидаги вилоят кўғирчоқ театри ижодкорлари «Қувноқ бузоқча» спектаклини намойиш этишди. Шунингдек, болажонлар шеър айтишди, қўшиқлар куйлашди.

— Бугун менга «Сариқ девни миниб» китобини совға

қилишди, — дейди мамнуният билан шаҳардаги 6-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Илья Власов. — Худойберди Тўхтабевнинг барча асарларини севиб ўқийман. Ажойиб тадбир ва совғалар учун «Камолот»чи акаларимга раҳмат.

Лойиҳа якунида Илья сингари фаол иштирокчилар Ҳаракатнинг Самарқанд шаҳар кенгаши томонидан тақдирланди.

Нарғиза БАҲОДИРОВА





«Kamolot» loyihalari

## БИР КУНДА 3 МИНГТА ИШ ЎРНИ

Урганч шаҳридаги Жалолiddин Мангуберди боғ мажмуасида вилоят ҳокимлиги, прокуратура, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Унда беш минг нафарга яқин коллеж битирувчиси қатнашди. Шаҳар ва туманлардаги элликка яқин корхона, тижорат банки, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаси уч мингдан зиёд бўй иш ўрнини тақлиф қилди.

Тадбир доирасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Менинг бизнес ғоям» лойиҳаси тренерлари томонидан маҳорат дарслари ўтилди.



## КОРХОНА ИШЧИЛАРИ ЯШИЛ МАЙДОНДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлари аъзолари ўртасида мини футбол бўйича «Камолот» кубоги мусобақасининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.



Мусобақа «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, Мини футбол ассоциацияси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Туманлардан сараланган жамоалар Урганч шаҳридаги 16-мактаб қошидаги сунъий қопламали майдонда беллашдилар.

Биринчи ярим финал йўлланмасини гурланлик йигитлар қўлга киритди. Иккинчи ярим финал йўлланмасини Урганч тумани жамоасини мағлубиятга учратган Урганч шаҳар вакиллари қўлга киритди. Учинчи ярим финалга чиқиб учун кечган баҳсда Кўшкўпир тумани жамоасининг қўли баланд келди.

Финалда Урганч шаҳар ҳамда Кўшкўпир тумани жамоалари майдонга тушди. Ғалаба урганчлик футболчиларга nasib этди.

Шахло САФАШЕВА

# ИНСОН МАНФААТИ — АСОСИЙ МЕЗОН

*Ривожланган ҳуқуқий демократик жамият қуришида инсон омили асосий мезон ҳисобланади. Жамият аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, мамлакатимизда кечаётган ислохотлар жараёнида давлат ва нодавлат ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўзаро ҳамкорлик ўрнатгани қисқа фурсатда катта ютуқларни қўлга киритишга олиб келди. Жамиятимизда кечаётган демократик ислохотлар самарасига ҳолисона баҳо бериш, зарур бўлса ривожланган мамлакатлар тажрибасини татбиқ этиш хусусида пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро конференцияда батафсил тўхталиб ўтилди.*

«Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни янада такомиллаштириш — жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналишлари» мавзусидаги халқаро анжуман Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази ҳамкорлигида ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар мувофиқлаштирувчиси, К.Аденауэр ва Ф.Эберт номидаги жамғармалар, «Минтақавий мулоқот» ноҳукумат ташкилоти, Нотижорат ҳуқуқ халқаро маркази, Европа Иттифоқининг «Марказий Осиё — қонун устуворлиги платформаси», БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт Дастури, Европа кенгашининг Венеция Комиссияси, Ҳуқуқий муаммоларни ўрганиш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Халқаро конференцияни ташкил этишдан мақсад юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари ва бу соҳада эришилган ютуқларни муҳокама қилиш, суд-ҳуқуқ тизими шаклланиши ва ривожланишининг халқаро тажрибаси, адлия соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳолати билан таништириш, шунинг баробарида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини муҳокама қилишдан иборат бўлди. Анжуман иштирокчилари қайд этиб ўтганидек, мамлакатимиз тарихан қисқа фурсат ичида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларини мувофиқлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-

ларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга эришди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг амалга оширилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизимини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳужжатнинг асосий вазифалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида умум-этироф этилган халқаро принцип ва нормаларни амалга ошириш мақсадида демократлаштириш, либераллаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштиришни давом эттириш, фуқаролар ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоясини кучайтириш, прокурор ва адвокат тенглигини, тортишувлигини, суд амалиётининг барча босқичларида одил судловни таъминлаш, дастлабки суриштирув ва тергов органлари ҳаракатларининг қонунийлиги устидан суд назоратини янада кучайтиришдан иборатдир.

Шунингдек, анжуман иштирокчиларининг эътибори суд-ҳуқуқ ислохотларининг устувор йўналишларига қаратилиб, бунинг одил судлов соҳасида фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти, фуқароларнинг суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш зарурати, бунга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, суд фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, судьялар

ҳуқуқий мақомини ошириш каби масалаларга алоҳида урғу берилди. Конференцияда қатнашган экспертлар юртимизда 2008 йил бошидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, қамоққа олиш санкциясининг судларга берилиши, яъни «Хабеас корпус» институтининг жорий этилиши, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг фаолиятини юқори баҳоладилар.

Бундан ташқари, мамлакатимизда Жиноят-процессуал қонунчилигида судлар томонидан жиноят иши қўзғатиш, иш бўйича айблов ҳулосасини ўқиб эшиттириш ваколатлари бекор қилинганлиги, суд амалиётига бўлган босқичда тергов устидан суд назорати кучайтирилгани ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, судларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жиноят иши юритилишидаги суд назоратини мустаҳкамлашда «Хабеас корпус» институтидан фойдаланишни кенгайтириш, ҳимоя ва айблов ўртасидаги тортишувлиқни таъминловчи тизим ва механизмларни такомиллаштириш бўйича ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари билан тезкор-қидирув чораларини ўтказишнинг аниқ асослари жорий этилди. Қонунийликка риоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчаликка йўл қўймасликнинг аниқ ҳуқуқий кафолатлари яратилди.

Халқаро конференцияда мавзулар бўйича қизғин муҳокама, мунозаралар бўлиб ўтди. Мутахассислар учун суд-ҳуқуқ амалиётида қўллаш бўйича тавсия ва таклифлар ҳам қабул қилинди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,  
«Turkiston» мухбири



# ЭРТАСИНИ ЙЙЛАГАН БУ ЙЙЛГА КИРМАЙДИ

*XX асрда инсон тафаккури тараққиётнинг янги чўққиларини забт этди: компьютер ихтироси, интернетнинг пайдо бўлиши, коинотга парвозлар... Аммо афсуски, биз бу «олтин аср»ни инсониятга фақатгина бахт олиб келди дея олмаймиз. Сабаби, халқлар, миллатлар келажагига таҳдид туғдирувчи бир қанча омиллар айнан ўтган асрдан бизга «мерос» бўлиб қолди. Ана шундай хатарлардан бири гиёҳвандлик балосидир. Глобал муаммага айланган ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.*

Гиёҳвандлик келажакка гулу солиб турган учта энг хавфли трансмиллий жиноятлардан бири ҳисобланади. Энг ачинарлиси, гиёҳвандлик оғир жиноятларнинг содир этилишига, оилалар ва миллатлар генофондининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Шу-

нингдек, жаҳонда содир этилаётган жиноятларнинг ярмидан кўпи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келади.

Дунё бозорига тарқаладиган қора дорининг асосий қисми Афғонистонда етиштирилиб, уни ноқонуний йўл билан Марказий Осиё мамла-

катлари орқали ғарбга етказишга бўлган уриниш йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шунинг учун юртимизда наркотик моддаларни истеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш масаласига давлат ва миллатнинг эртасини ҳал этувчи омиллардан бири сифатида қараб келинмоқда. Ушбу иллатга қарши курашиш мақсадида бир қатор қонунлар ва халқаро шартномалар қабул қилинди. Хусусан, гиёҳвандликка қарши курашни кучайтириш мақсадида БМТ томонидан «Наркотик моддалар тўғрисида», «Психотроп моддалар тўғрисида» ҳамда «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисида»ги конвенциялар қабул қилинди.

Юртимизда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айни вақтда маҳаллалар, болалар ёзги оромгоҳлари, клубларда профилактика мақсадларида суҳбатлар, маърузалар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Шаҳар ва туманлар марказларида ушбу «заҳри қотил»га қарши курашга чорловчи баннерлар, плакатлар ва бошқа кўргазмалар воситалар ўрнатилган. Шунингдек, бу борада қатор қонун ҳужжатлари эълон қилинди. Жумладан, «Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва улар прекурсорларининг қонунга ҳилоф равишда муомалада бўлишига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот мувофиқлаштириш марказини ташкил

этиш тўғрисида Россия Федерацияси, Озарбойжон, Қозғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон Республикалари ва Туркменистон ўртасидаги битимни ратификация қилиш ҳақида»ги, «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Озиқовқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги, «Сурункали алкоғолизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши келажакки соғлом юрт куриш учун қўйилган энг дадил қадамдир.

**Насиба МАҲМАТКУЛОВА,**  
**Самарқанд шаҳар**  
**«Никоҳ уйи» мудираси**

## ■ Sog'lom turmush ■

# ОЗОДАЛИК — КЎРК

*Катталар бежиз «қўлинг тоза бўлса, ишинг баракали бўлади», демайди. Улар тоза қўл нафақат тану жон соғлиги, балки қалб саломатлиги гарови эканлигини теран англашганки, шундай дейдилар. Чунки саломатлигимиз тоза қўлларимизда, бу қўллар улкан бунёдкорликларга, яхши ишларни қилишга қодир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши ўтказган «Тоза қўллар» акциясининг асосий мақсади, маъно-мазмунини ҳам аслида шу эди. Акция «National investments» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилди.*

тозалик ва озодалик ҳақидаги гапларни ёшларимизга етказдик.

— Бугун бу ерга биз уч ой давомида «Тоза қўллар» акцияси доирасида жойларда ўтказилган семинар, давра суҳбатларию учрашувлардаги гапларни, таклифларни олиб келдик, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Сарвар Ашуров. — Тарғиботчиларимиз нафақат мактаб, балки маҳалла ва транспорт воситаларига ҳам кириб борди ва дўстларига тоза қўлларнинг соғлиққа фойдаси, кир қўллар келтириб чиқараётган касалликлар

Унда уч ой давомида Тошкент шаҳри умумтаълим мактабларида соғлом турмуш тарзи бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган Ҳаракат фаоллари ўз тақдимотларини намоиш этишди. Тарғибот давомида қилинган ишлар ҳисоботи тингланди.

— Биз «Камолот»чилар билан бирга мактабларда «Тоза қўллар» семинар-тренинглари ўтказдик, — дейди «National investments» масъулияти чекланган жамияти ходими Юлия Сухова. — Ўқувчиларга кир, ювилмаган қўлларда мил-



лион, ҳатто ундан ҳам кўп микроблар бўлишини видеороликлар воситасида тушунтирдик. «Осмон ва

ер» методи ёрдамида соғлом турмуш тарзи формуласини яратдик. Энг асосийси, тиббиёт айтаётган

ҳақида кенг тушунчалар беришди. Ўйлайманки, бу сазой-ҳаракат озми-кўпми, ўз натижасини берди.

Акцияда қўл ювишнинг етти хил услуби тушунтирилди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тайёрланган «Саломатлик ўз қўлингизда» видеолавҳаси намоиш этилди. Тарғибот гуруҳи аъзоларининг «Сиз буни биласизми?» буклети тарқатилди.

**Қумар БЕГНИЯЗОВА,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
*Рустам Назарматов олган суратлар.*

## ■ Jarayon ■

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида ўқувчи-ёшлар ўртасида болалар спортини ривожлантириш, «Баркамол авлод — 2014» спорт ўйинлари якуни бўйича матбуот анжумани бўлиб ўтди.*

## СОҒЛОМ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Унда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази масъул ходимлари, устозмураббийлар ва спортчи ёшлар иштирок этди.

Тадбирда бугунги кунда спортга давлатимиз томонидан қаратилаётган эътиборнинг юқори эканлиги, барча шароитлар яратилганлиги, шунингдек, камчилик ва ютуқлар муҳокама қилинди. Унда 2013 йилда таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилардан 113 таси жаҳон, 164 таси Осиё ва 520 нафари турли халқаро турнирларда иштирок этиб, улардан 53 нафари жаҳон чемпионати, 98 нафари Осиё чемпионати ва 124 таси халқаро мусобақалар совриндори бўлгани алоҳида таъкидланди.

— Коллежимиз замон талабларига тўлиқ жавоб беради, — дейди Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи директори Муаллам Зуфарова. — Югуриш, футбол, волейбол ва теннис майдончалари таъмирланиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Таълим масканимизда байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича турли халқаро мусобақалар голиблари ҳам таҳсил олмоқда.

Тадбир қизгин ўтди. Масъул ходимлар саволларга жавоб бердилар.

**Жавохир КАРОМАТОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**



■ Iqtidorli yoshlar — mamlakat tayanchi ■

# «ЎРГИМЧАК» БОЛАНИНГ ИХТИРОЛАРИ

Тошкент ахборот технологиялари университетидида «ўргимчак» бола ўқирмиш, деган хабарни эшитдик. Эшитиб, хайрон қолдик. Боиси, юртимизда ҳали бунақаси бўлмаган. «Ўргимчак» одамни фақат фильмларда кўрганмиз. Буниси эса ўзимизга ўхшаган инсон, тенгдошимиз. Энди ҳаётий эмас, ҳаёлий нарсалар, дея ўйлаганимиз тўсатдан ҳаётий бўлиб қолса инсон ҳайратга тушиб қоларкан-у, бир лаҳза ўзини йўқотиб қўяр экан. Ўша фаройиб болани ўз кўзимиз билан кўрмагунча бу ҳайрат бизни тарк этмади. Ва ниҳоят, «ўргимчак» болани кўришга муяссар бўлдик.



— Мени кўпчилик «ўргимчак» бола деб атайдилар, — дейди Жамшид. — Буни эшитган одам борки, мендан «неча қаватли бинога чиқа оласизми», деб сўрайди. Тўғриси, мен «ўргимчак» бола эмас, «ўргимчак» робот ясаган боламан.

Билдикки, Жамшид ўйлаганимиздек бинома-бино сакрамайди, ўрмаламайди ҳам, у роботлар ясайди. Ўзидаги бундай қобилиятни Тошкентдаги 295-мактабнинг 5-синфида ўқиётганида сезиб қолди. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги» дарсида ясаган магнит майдонда ҳаракатланувчи гугуртли машинаси устозини лол қолдириб, ўртоқларининг ҳавасини келтирганди.

— Магнит магнитни ита ради, — дейди қаҳрамонимиз. — Бу тамойилни транспорт соҳасида қўлласа, жуда самарали. Агар поезд, трамвай рельслари магнитли бўлса, ушбу транспорт воситалари электр энергиясиз бемалол ҳаракатланиши мумкин.

Талабанинг маъноли, ақл тарозисидида тортилган фикрларини тинглаб, севирик.

Университетдаги «RoitLab» лабораториясида Жамшид кўп вақтини ўтказди. Чунки унинг «ўргимчаги», «робот одами», андроид бешигию сунъий қўли айнан шу ерда пайдо бўлган.

Лабораторияни кўздан кечирар эканмиз, у ерда кичкина «бешик», «қўл» ва «ўргимчак»ка назаримиз тушди. Ҳайрат ва ҳаяжонда уларнинг яратилиш тарихи, ишлаш технологияси билан танишдик. Биринчи хулосамиз шу бўлдики, роботни яратиш осон иш эмас.

## «АЛЛА, БОЛАЖОН»

— Ўтган йил университетимизга Корея миллий транспорт университети ўқитувчи ва талабалари келди. Улар дастурий инжиниринг бўйича семинар-тренинглари ўтказди, — дейди Жамшид. — Тренинг жараёнида менда робот яратиш фикри уйғонди ва андроид бешик ясадим. Бешикнинг оёғига мотор ўрнатилган. Уни USB кабел орқали телефондаги «Алла, болажон» дастури билан боғладим. Агар бола йиғласа, телефон қўзга-

лади ва бешик тебранади. Чақалоқ йиғласа, телефонга сигнал келади. Ушбу дастурга боланинг овқатланиш вақтлари ҳам киритилган бўлиб, онага бу ҳақда кўнғироқ орқали маълумот беради. Ҳозир дастурга алла ёзаяпман. Уни узоқ масофадан бошқариш



имкони и берувчи WPS кабел билан боғлашни ният қилганман...

— Бу эса сунъий қўл, — дея Жамшид чеккадаги «қўл»ни кўрсатди.

## СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ҚЎЛ

Жамшиднинг бу ихтирони қилишига бир нотаниш қиз сабаб бўлган. Йўлда у қўлидан айрилган қизга дуч келди. Бу воқеа Жамшидни сунъий қўл яратишга ундади.

Дастлаб инсон қўлининг биологик тузилишини ўрганди. Майда суяклар ўрнига ингичка темирлардан фойдаланиб, уларни компьютер дастури билан боғлади. Қўл ёруғликка жуда сезгир. Ёруғлик унга яқинлашгани сайин панжалари очилади, қоронғида эса панжалар яна ёпилади.

— Дўстимнинг «сунъий қўли» меникига қараганда мукамал, — дейди Корея миллий транспорт университети талабаси Жу Су Ши. — «Қўл» саломлаша олади, энгилроқ нарсаларни, масалан, стаканни ушлай олади. Агар Жамшид ўз ихтиросини янада такомиллаштиради, ундан амалиётда фойдаланиш имкони бўлади. Жисмоний имконияти чекланган инсонлар ўзларини бахтсиз санамайди.

Жамшид ўз устида тинмай изланади. Бўш вақтида инглиз, корейс тилларини ўрганмоқда. Устози Ҳаким Зайниддиновдан дастурий инжиниринг бўйича сабоқ олмақда. Ўтган йили у Кореянинг Коокмин университетида бир ой давомида соҳа бўйича билимларини оши-

риб келди. Шунингдек, «ICT Expo» кўргазмасида қатнашиб, тақдирланди.

— Ўғлимнинг ўқишидан ҳам, ишидан ҳам кўнглим тўк, — дейди Жамшиднинг отаси Рустам ака. — У юртимизда биринчи сунъий интеллектуал робот яратишни мақсад қилган. Унинг ишларини кўриб, аминманки, болам, албатта, ниятига эришади.

## ЭНГ ГУЛЛАГАН ЁШЛИК ЧОҒИМДА

Жамшид Саидов йигирма беш ёшга кирди. Энг гуллаган ёшлик чоғида у тинимсиз изланиб, янгиликлардан хабардор бўлмоқда. Спорт билан шугулланади, бадий асарлар мутолаа қилади...

Яқинда Жамшид «Аппаратга дастурлар ёзиш ва робот технологиялари» мавзусида битирув малакавий ишини ҳимоя қилди. Яратган сунъий интеллектуал қўли 98 балл билан баҳоланди. Бундай рағбат ёш ихтирочини, шубҳасиз, юксак марралар сари бошлайди.

**Қумар БЕГНИЯЗОВА,**  
«Turkiston» мухбири

# ИСТЕЪДОДНИНГ 5 ҚИРРАСИ

*Гўзал Бекбўлатова ўтган йили «Истиклол юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивалида ғолиб бўлди. Эндигина ўн бир ёшга тўлган бўлишига қарамай, у «Мустахзоқ», «Баёт», «Тановар», «Тулдасга», «Пилла», «Шўх қиз», «Тловус», «Дилхирож» каби миллий рақсларни моҳирона ижро этади.*

Гўзал пойтахтимиздаги 259-мактабнинг 5-синф ўқувчиси. Унинг рақсга бўлган меҳри анча эрта уйғонди. Фарзандининг қизиқишини ўз вақтида пайқаган онаси — Малоҳат Хонназарова Гўзални «Баркамол авлод» республика болалар ижодиёти марказидаги «Юлдуз» фольклор рақс дастасига олиб борди. Бу ерда у тўғра рақсбери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер Насиба Мадраҳимова ва Муниса Курбоновадан рақс сирларини ўргана бошлади.

— Тўрт-беш ёшимда телевизордаги

рақсга опаларимга қараб рақсга тушардим, — дейди Гўзал Бекбўлатова. — Боғчада ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этардим. Тўққиз ёшимдан «Юлдуз» фольклор рақс дастасида шугулланишни бошладим. Ҳозир хоразмча, бухороча, фарғонача, андижонча, ҳиндча, испанча, уйғурча рақсларни биламан. Миллий байрамларимиз, тадбирларда, турли танловларда қатнашиб келяпман. Ўтган йили Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган «Миллий рақслар» танловида биринчи ўринга сазовор бўлдим.

Гўзал кино санъатида ҳам ўзини синаб кўрапти. У илк бор етти ёшида «Кундошлар» фильмида суратга тушиб, эркатой боғча тарбияланувчиси ролини ижро этган. Кейин уни «Малоҳатнинг дарсхонаси», «Беғубор орзулар», «Опа-сингиллар», «Яхшилик қил», «Қилмиш-қидирмиш» сериалларига ҳам таклиф қилишган.

— Суратга олиш жараёнида қатнашиб, киноижодкорлик қанчалик қийин касб эканини кўрдим. 2-синфдан «Класс» болалар газетасига турли мавзуларда хабарлар ёзиб тураман. Биринчи хабарим мактабимиз ўқувчилари турли буюмлардан ясаган мева-сабзавотлар ва гуллар кўргазмаси ҳақида бўлган. «Истиклол юлдузлари» республика болалар ижодиёти фестивали лауреати бўлганимдан сўнг менда ижодга иштиёқ янада кучайди, — дейди Гўзал мамнунлик билан.

Иқтидорли қиз рақсга тушиш, мақола ёзиш ва кинода роль ижро этишдан ташқари, инглиз тилини пухта ўрганмоқда. Қизларнинг сочини ма-



ҳорат билан турмаклайди. Ўзи эса яқинда «Энг узун соч» танловида ғолиб бўлгани ҳам бежиз эмас.

Гўзал Бекбўлатованинг Миллий рақс ва хореография олий мактабида ўқиб, халқимизга муносиб фарзанд бўлишдек орзулари бор. Унга ана шу улкан мақсадларига эришиш йўлида омад ёр бўлсин, деб қоламиз.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири



## (Давоми, аввали 1-саҳифада)

Ота-она барибир ўз билганидан қолмади. Орадан маълум муддат ўтиб, қизни турмушга узатди. Бирин-кетин фарзандли бўлди. Ёш оиланинг оёққа туриб кетиши осон эмас — рўзгорда етишмовчилик бўлганда қайнонаси ўқимаганини юзига солади: «Ўқимагансан, тайёрига айёр бўлиб ўтирибсан». Ўқийин, бирор касб эгаллаин деса, энди кеч. Бола тарбиясидан, рўзгор ташвишларидан ортмайди...

Ўтган йили Фарғона ижтимоий иқтисодиёт касб-хунар коллежини битирган қувасойлик Шоҳсанам Сотволдиеванинг орзулари амалга ошди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкдан кредит олиб, тикувчилик цехи ташкил этди. Ҳозир бу ерда йигирмага яқин қиз трикотажа, мўйна ва чармдан кенг турдаги маҳсулотлар тайёрламоқда.

Ёш тадбиркорнинг фаолияти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ўтказилган «Энг яхши бизнес лойиҳа» танловида биринчи ўринга лойиқ топилди. Шоҳсанамнинг ота-онаси, ўқитувчилари унинг хунарли бўлганидан, ҳаётда ўз ўрнини топганидан хурсанд.

Қорақалпоғистонлик Қарима Бекетова ҳам ана шундай интилувчан қизлардан. У яқинда Беруний агросаноат ва иқтисодиёт касб-хунар коллежини тамомлади. Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган дастурлар самарасида ўз бизнесини ташкил этди. «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Беруний тумани филиалидан олинган қарийб 5 миллион сўм кредит эвазига паррандачиликни йўлга қўйди. Ўзи ҳам ишли бўлди, тенгқурларини ҳам иш билан таъминлади.

Бундай мисолларни мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан кўплаб келтириш мумкин. Чунки бугун касб-хунар коллежларида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича таълим берилмоқда. Уларда таҳсил олган ёшлар замонавий билимларни пухта эгаллаб, ўз касбининг устаси бўлиб етишмоқда.

Бу Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасидир. Юртимизнинг барча ҳудудларида янги мактаблар, академик лицейлар, замонавий коллежлар барпо этилди. Таълим стандартлари такомиллаштирилди. Узлуксиз таълимнинг ноёб механизми яратилди.

Ўрта махсус таълим тизими бу механизмнинг муҳим бўғинидир. Тўққиз йиллик мактаб таълимининг узвий давоми бўлган ушбу босқичда ўқувчилар уч йил давомида

умумтаълим фанлари ва замонавий касб-хунарларни ўрганмоқда. Сифатли таълим олиб, билимини амалиётда мустаҳкамламоқда, ўзлари қизиққан соҳа билан шуғулланиб, оиласига даромад, жамиятга наф келтирмоқда.

Аслида фарзанднинг ҳам, ота-онанинг ҳам, давлатнинг ҳам мақсади ана шу — ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишидир. Ҳамма билимли ва маданиятли бўлса, севган касби билан шуғулланса, олам гулистон. Оилаларда хотиржамлик, жамиятда тинчлик-фаровонлик бўлади.

Лекин айрим кимсаларнинг эскича фикрлаши, калта ўйлаши бу муштаракликка путур етказмоқда. Хусусан, баъзи

ди. Унинг темурий шахзодаларни илм-маърифат руҳида тарбиялагани, Мирзо Улугбекдай буюк олимни камолга етказгани барчага маълум. Ахир, у ўзи билимли, ақлли бўлмаганда шундай фозил фарзандларни тарбиялай олардими?!

Муқаддас динимизда ҳам қизларнинг билимли бўлишига катта эътибор қаратилган. Ҳадисларда илм олиш ҳар бир эркак ва аёл учун Аллоҳ томонидан фарз қилинган баён этилган.

— Илм инсонга бахт-саодат келтиради, илмсизлик турли қийинчилик ва хатоларга сабаб бўлади, — дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абду-

да Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга «Никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш» деб номланган янги модда киритилди. 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришганлик учун жавобгарлик белгиланди. Шундай ҳолат юз берганда айбдор дастлаб маъмурий жавобгарликка, ушбу ҳаракат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликка тортилади. Бу борада ота-

Касб-хунар коллежлари ва иш берувчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланилаётгани, ушбу масалага жамоатчиликнинг кенг жалб этилаётгани бу борада муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари томонидан иш жойи аниқ бўлмаган қизлар билан суҳбатлар ўтказилиб, уларнинг лаёқати, хоҳиш-истаклари ўрганилди. Шу асосда уларга 11 минг 868 тикув машинаси, 3 мингга яқин пайпоқ тўқиш ускунаси, 3 минг 865 қандолат печлари етказиб берилди. Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган 12 мингдан ортиқ қизга қарийб 55 миллиард сўмлик кредит ажратилиши белгиланди.

Ёшларни ўқитиш ва иш билан таъминлашга бундай юксак эътибор берадиган мамлакат дунёда жуда кам учрайди. Бир қанча давлатларда таълим тизими пуллик бўлгани боис кўплаб болалар билим олиш имкониятига эга эмас. Уларнинг юриш-туриши, интилишлари, ким билан шартнома тузганию нима иш қилмоқчи эканлиги бировни қизиқтирмайди.

Мамлакатимизда 12 йиллик узлуксиз таълим бепул эканлиги, янги иш ўринлари яратиш ва ёшларни иш билан таъминлашнинг мақсадли дастурлари амалга оширилаётгани хорижликларнинг ҳавасини уйғотмоқда.

Такрор айтамыз, давлатимиз томонидан яратиб берилган шундай шароит ва имкониятнинг қадрига етиб, шукур қилиб, фарзандига оқ йўл тилаб ўқишга жўнатиш ўрнига, ўз зурриёдининг келажагига тўсиқ бўлаётган ота-оналарнинг ният-мақсадини сира тушуниб бўлмайди, ундай хатти-ҳаракатни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Қисқа қилиб айтганда, бу ношукрликдан бошқа нарса эмас.

Таълим ва тарбия жараёни танаффус ва чегара билмайди. Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази ва бошқа мутасадди ташкилотлар томонидан тўққизинчи синф ўқувчиларини қизиқшига кўра ўрта махсус таълим тизимига қамраб олиш, касб-хунар коллежи ва академик лицей битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда таълимнинг кейинги босқичига йўналтириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётир.

Бундай эътибор оғушидаги ёшлар ўзида куч-ғайрат, ишонч сезади. Ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун дадил интилади. Ҳаётдан, тақдирдан, Ватанидан рози бўлиб яшайди. Умр бўйи бунёдкорлик, эзгулик билан машғул бўлади.

**Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА шарҳловчиси**

# КАЛТА ЎЙЛАШ УЗОҚ КЕЛАЖАККА ҒОВДИР

ота-оналар қизларининг хоҳиш-иродасига, замон талабига қарши бориб, уларни ўқишдан олиб қолишга уринмоқда. Нима эмиш — қиз боланинг ўқиши шарт эмасмиш.

Эй, инсон, қаердан олдинг бу гапни, бирон асосинг борми, десангиз жавоб йўқ. Лекин, аксинча, қиз боланинг билим олиши, хунар эгаллаши зарурлиги ҳақида тарихдан, муқаддас китобларимиздан, қонунчилигимизу кундалик ҳаётимиздан истаганча далил келтириш мумкин.

Қадимдан момоларимиз ақлли, билимли, касб-хунарли бўлишган. Аёллар бир хонадонга тўпланишиб, қўшни қиз-жувонларни ёнларига олиб, гилам тўқиган, кўйлак, дўппи, тўн, сўзана, кашталар тиккан. Иш асносида қиз боланинг одоби, маданияти, саломатлиги тўғрисида, бахтли оила қуриш ва яхши фарзанд тарбиялаш учун нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида суҳбатлар бўлган. Қизлар бир нечта хунарни эгаллаб, оилага ҳар жиҳатдан тайёр бўлиб, турмуш қурган.

Оилавий китобхонлик халқимизнинг эзгу анъанаси бўлган. Ёшу қари йиғилиб, эртагу дostonлар ўқиган, мақолу маталлар айтган. Бу болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, маънавиятини бойитиш билан бирга уларда китобга меҳр уйғотган.

Тўмарис, Сароймулкхоним, Гулбаданбегим, Нодирабегим каби аёллар оқила ва омилкорлиги билан нафақат оиласи, балки бутун жамият ривожига ҳисса қўшган. Биргина Сароймулкхонимнинг Амир Темур давлатида тутган ўрни аёл зотининг нималарга қодирлигига мисол бўла ола-

лазиз Мансур. — Ҳозирги тараққиёт даврида инсон учун тўққиз йиллик таълим кифоя қилмайди. Шунинг учун Юртбошимиз раҳнамолигида 12 йиллик бепул таълим тизими жорий этилган. Ёшлар билим олишлари, ўзларига, оиласига ва жамиятга манфаат келтирадиган илму хунарга эга бўлишлари жоиз. Ота-оналар фарзандларини шунга бошлаши, бунинг учун керакли шароит яратиш бериши зарур. Зеро, ота-она фарзандлар келажагига масъулдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар тарбиялашга мажбурлиги, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Қизлар ҳам билим олиш, эркин касб танлаш, меҳнат қилиш каби ҳуқуқларга эга. Бундан уларни маҳрум қилишга, ўғил болалар ва қизларни айрича кўришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Бир хато иккинчи хатони келтириб чиқаради. Айниқса, бу вақт билан, инсон тақдири билан боғлиқ бўлса, уни тузатиш жуда қийин. Қизларнинг ўқишдан олиб қолингани етмагандек эрта турмушга беришдек нохуш ҳолатлар учраб турганини айнан шундай изохлаш мумкин. Чунки оила қуришга жисмонан ва маънан тайёр бўлмаган, 12 йиллик узлуксиз таълимни тўлиқ ўқимаган, касб-хунарга, кенг дунёқарашга эга бўлмаган қизлар ҳаётда кўп қийинчиликларга дуч келади. Энг ёмони, бу ҳолат кўплаб тиббий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларни келтириб чиқаради.

Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсади-

она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ҳам алоҳида масъулият юкланган. Шундай ҳолларга йўл қўйган тақдирда улар ҳам юқоридаги каби жазоларга тортилади.

Мулоҳаза қилиб кўрилса, бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси инсон учун, унинг манфаатлари учун эканлигини тушуниш қийин эмас. Ҳеч бўлмаса, атрофга қараб, бугунни кечаги кун билан, юртимизни бошқа мамлакатлар билан солиштириб кўрилса, ҳаммаси ойдинлашади.

Илгари мактабни битирган синфдош болалардан нари борса икки-учтаси олий ўқув юртига ўқишга кирар, қолганлари маълумотсиз, касб-хунарсиз қолиб кетарди. Бугун мамлакатимиз ёшлари ўрта махсус таълим муассасаларида 221 хил касб-хунар ўрганмоқда. Коллежни битиргач, хоҳласа ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмоқда, хоҳласа ўқишни давом эттирмоқда.

Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Ўтган йили касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига банклар томонидан 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Жорий йилда ҳам бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ҳар бир битирувчининг қизиқиши, мақсадлари ўрганилиб, уларни амалга оширишга кўмак берилаётир.



# ЮРТНИНГ АЗАМАТ ЎҒЛОНЛАРИ

*Хар бир касбнинг ўзига яраша масъулияти бор. Зиммасида кишилар саломатлигини сақлаш, беморлар дардига малҳам бўлишдек вазифаси бўлган шифокорларни кўрганда эса икки ҳисса шараф ва масъулият ҳақида ўйлайсан. Агар улар юрт ҳимоячилари, ҳарбийлар саломатлигига масъул шифокорлар бўлса-чи? Тоғлару қир-адирлар, даштун саҳроларда, жазирама иссиғу қаҳратон совуқда — хар қандай шароитда хизматга шай бу касб эгаси бўлиш нақадар шарафли эканини ҳис қилиш қийин эмас. Эътиборлиси, бугун ҳарбий шифокор бўлишни орзу қилган ёшларнинг муроиди ҳосил. Улар Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультетида таълим олиб, етук мутахассис бўлишлари мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2012 йил ташкил этилган мазкур факультет ўзининг илк қалдирғочлари — ҳарбий тиббиёт офицерларини Куролли Кучлар кўшинларига кузатди. Битирувчиларни тантанали кузатиш маросими пойтахтимиздаги «Ватанга қасамёд» ҳайкали олдида бўлиб ўтди. Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларида тантанали битирув тадбирлари доирасида ташкил этилган ушбу тантанали маросимнинг айнан «Ватанга қасамёд» ҳайкали қошида ўтказилиши бежиз эмас. Бу ёш офицерлар ҳаётида ўзига хос маънавий ҳодисадир. Дуога қўл очиб, аскар ўғлини кузатаётган она сиймоси тасвирланган ушбу композиция хар бир курсантга ортида онаси, Ватани

турганини эслатиб туради.

Маросимда битирувчиларнинг бир қатор саф тортиши, уларнинг шаҳдам қадамларига ҳамоҳанг ҳарбий оркестр ижросидаги жарангдор куй қалбларга ўзгача куч-ғайрат, шижоат, ғурур бағишлайди. Буни тантанали маросимга йиғилган иштирокчиларнинг юз-кўзидан ҳам англаш қийин эмасди.

Тадбирда қатнашган Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳамда ота-оналар офицерлик либосини кийган ўғлонларга юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу ишларида муваффақият тилашди. Сўнг уларга мутахассислик дипломи ва кўкрак нишони топширилди.



Ҳарбий шифокорлик касбини эгаллаган йигитларнинг қувончи чексиз. Бу қувончга шерик бўлаётган ота-оналарнинг хурсандчилиги эса икки ҳисса ортиқ. Шу ҳаяжонли дамлардан фойдаланиб, битирувчилардан бирини суҳбатга тортдик.

— Мен бугун иккита касб эгаси бўлдим, эгнимда ҳарбий либос, қўлимда ҳарбий шифокорлик дипломи, — дейди қашқадарёлик Обиджон Жалолов. — Энди мендан талаб қилина-дигани фақат ва фақат сидқидилдан ишлаш, юртга хизмат қилишдир. Ҳарбий тиббиёт факультетида ҳарбийлик ва ҳарбий шифокорликни, тиббий

хизмат кўрсатиш ва доволашни ўргандим. Олган билимларимни хизматим давомида қўллаб, менга берилган ишонч-ни оқлашга ваъда бераман. Ҳар қандай шароитда ҳам машаққатлардан асло чекинмайман. Чунки ортимда ота-онам, Ватаним турибди.

Битирувчиларнинг дил сўзларига ота-оналар ҳам қўшилиб, ўз тилакларини билдиришди.

— Ҳарбий либоси ўзига ярашиб турган азамат ўғлонларни кўриб кўзимга ёш қалқиди, — дейди Булунғур туманидан келган етмиш ёшли Зокир Эргашев. — Улар мустақил мамлакат сарҳадларини ҳимоя

қилади, бу эса катта бахт. Нуфузли олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқиш биз тенгиларнинг тушига ҳам кирган эмас. Шукрки, фарзандларимиз бизга армон бўлган шароитларда, замонавий таълим муассасаларида ўқияпти. Бугун офицер бўлиб, ҳарбий шифокорлик касбини эгаллаб турган ўғлим Жумабой, у билан бирга битираётган йигитларга ҳам айтдим: бундай шароит ва имкониятларга эл-юртга холис хизмат қилиш билан жавоб бериш, халқимиз ва давлатимиз ишончини чин кўнгилдан меҳнат қилиб оқлаш керак.

Зокир бобо сингари бошқа ота-оналар ҳам қувончларини шундай изҳор қилишди.

Тантанали битирув тадбирлари Мудофаа вазирлигига қарашли барча олий ҳарбий таълим муассасалари — Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетида ҳам катта шодиёна, дилрабо куй-қўшиқ, эзгу тилаклар жўрлигида кўтаринчилик билан ўтди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

Та'лимда АКТ

## ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ ТАРМОҚ

*Болалар ва ўсмирлар учун фойдали бошқотирмалар, манتيқий ва спорт ўйинлари, хорижий тилларни ўргатувчи видеороликлар, шахсий сайт очилиш учун бепул веб-хостинг, виртуал кутубхона, электрон дарсликлар, қулай мулоқот майдони ва ўзбек доменидаги биринчи электрон почта. Юртимиздаги энг йирик ахборот-таълим портали — «ZiyoNET» имкониятларини санаб адогига етиб бўлмайди. Миллий интернет сегментда мазкур веб-ресурс 2005 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш керак, ягона ахборот-таълим тармоғи Марказий Осиё мамлакатлари орасида фақат Ўзбекистонда мавжуд.*

«ZiyoNET»га республикамиздаги барча умумтаълим мактаблари, қолаверса, ахборот-ресурс марказлари ва музейлар уланган. Бир кунда тармоқдан ўрта ҳисобда 4,5 минг нафар ўқувчи фойдаланади. Улар томонидан қирқ мингтагача саҳифа кўздан кечирилади.

Яқинда порталнинг янги талқини ишга тушди. Эндиликда у «Гуруҳлар», «Савол-жавоблар», «Хорижий тиллар», «Кутубхона», «Сайтлар», «Таълим муассасалари», «Арбоблар», «Ўйинлар», «Иқтидорли ёшлар» бўлимларидан иборат. Бундан ташқари, тармоқ етти таъкидланган веб-лойдани ўз ичига олади. Масалан, «ZiyoNET» доирасида ташкил этилган дастлабки лойиҳалардан бири — Fikr.uz сайтидир.

У ўзбекистонлик ўқувчи ёшлар томонидан яратилган минглаб микроблоглар йиғиндисини ифода этади. Блог муаллифлари турли мавзуларда ёзган мақола ёки хабарларни жойлаштиришлари ҳамда бошқа блогерларнинг ижодларига баҳо бериб, фикр-мулоҳаза билдиришлари мумкин. «Соғлом бола йили» муносабати билан Fikr.uzда «Фарзандлари соғлом юрт...», «Малакали педиатрлар тавсиялари», «Еш оналар ва кичкинтойлар учун» номли махсус блоглар очилиб, уларга мавзуюзасидан мутахассисларнинг тавсиялари, методик қўлланма ва янгилликлар киритилмоқда.

Ахборот-таълим тармоғидан ўрин олган яна бир йирик лойиҳа —

uTube.uz видеопортали. Унда 15,6 мингта ресурс жамланган. Шулардан 1429 таси чет тилларини ўргатувчи видеороликдир. Дарвоқе, «ZiyoNET» порталининг янги талқинида ёшларга чет тилларини мустақил ўрганишлари учун қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, «Хорижий тиллар» деб номланувчи янги бўлим ташкил қилинди.

— Контентни мазмундор ва фойдали материаллар билан бойитишда Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорлик қиламиз, — дейди «ZiyoNET» ресурс марказининг Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бўлими етакчи мутахассиси Гулчеҳра Иброҳимова. — Ҳозир «Хорижий тиллар» бўлимига Кенгаш томонидан тақдим этилган инглиз тилини ўргатувчи 379 та ўйин ҳамда дидактик материал жойлаштирилган. Худди шу ерда немис ва француз тилидан махсус видеодарслар, методик қўлланма ва электрон дарсликларни топиб, фойдаланишингиз ҳам мумкин.

Хар бир манбани яратишда фойдаланувчининг ёш тоифаси инobatга олинган. Айтайлик, хорижий тилларни ўргатувчи ўйин ва видеодарслар орасида кичкинтойлар,

ўсмир ва талабалар учун мўлжалланганлари бор.

Бола шахсининг ривожланишида ўйинлар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис «ZiyoNET» порталида «Ўйинлар» деб номланувчи алоҳида бўлим очилган. Унда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўғил-қизлар бошқотирма ва топишмоқлар, спорт, фан ва таълимга алоқадор, мантиқий ва бошқа турфа ўйинлар билан бўш вақтини мазмунли ўтказишлари мумкин. Эътиборли томони, аксарият ўйинлар маҳаллий веб-дастурчилар томонидан менталитетимиз

ҳамда тарбиядаги миллий аъналарни ҳисобга олган ҳолда яратилган. Масалан, «Жаҳон халқ либослари» ўйинида бола жаҳон халқларининг ўзига хос туриш-турмуши ва дунёқараши билан танишса, «Озода боғ» ўйини орқали атроф-муҳитга эҳтиёт-корона муносабатда бўлишни ўрганади.

— «ZiyoNET» порталида таълим муассасалари учун бепул веб-хостинг хизмати ҳам йўлга қўйилган, — давом этади Гулчеҳра Иброҳимова. — Яъни мактаб ўқувчиси тармоқда рўйхатдан ўтиб, портал таркибида ўз сайтини бепул яратиши мум-

кин. Ҳозир тармоқдаги сайт-сателлитларнинг сони 325 тага етди. Боз устига, ўтган йили UZINFOCOM маркази томонидан порталда uMail.uz — ўзбек тилидаги биринчи ва бепул электрон почта хизмати ишга туширилди. Тизим қулай интерфэйсга эга ҳамда маълумотларни вирусдан ишончли ҳимоялайди. Почта қутисининг максимал сизими эса 1 гигабайт (Гб)га тенг. Бу хусусиятлари билан uMail.uz глобал тармоқдаги бошқа йирик электрон почта хизматларидан сира қолишмайди.

Шу туфайли у миллий интернет маконида тезда оммалашди. Бугунги кунда uMail.uz хизматидан олти минг нафардан ортиқ киши фойдаланмоқда.

Айни кунда «ZiyoNET» ахборот-таълим тармоғи ёшларни турли ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан асрашда мустаҳкам ҳимоя воситаси вазифасини ҳам бажаряпти. Портал устида иш олиб бораётган ишчи гуруҳ (модераторлар ва техник ходимлар жамоаси) уни мунтазам равишда қўшимча имкониятлар билан бойитишяпти. Айтайлик, «ZiyoNET»нинг ҳозирги талқинида «Гуруҳлар» бўлими гуруҳ аъзолари ўртасида онлайн мулоқотни таъминловчи форум ҳамда муайян мавзу доирасида

керакли маълумотни излаш имконини берувчи кидирув функциялари билан тўлдирилди. Шу билан бирга, «Таълим муассасалари», «Иқтидорли ёшлар», «Кутубхона» бўлимлари ҳам янгиланиб, фойдаланишга қулай шаклга келтирилди. Айни пайтда «Таълим муассасалари» бўлимида юртимиздаги барча мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари тўғрисидаги батафсил маълумот (номи, ихтисослиги, юридик манзили ва бошқалар) худудлар кесимида келтирилган. «ZiyoNET» кутубхонасида эса турли соҳаларга доир 57 минг номдаги адабиётларнинг электрон нусхалари жамланган.

Мактаб ўқувчиларига қулайлик яратиш мақсадида жорий йилда порталда «E-darslik» мобил дастури ишга туширилди. Мобил телефонлар учун мўлжалланган янги дастурга жами қирқдан ортиқ дарслик юкланган. Бу ўқувчини мактабга дарслик китоб кўтариб бориш мажбуриятидан халос этади ҳамда хар қандай ўқув адабиётидан фойдаланишни осонлаштиради.

«ZiyoNET» ахборот-таълим портали ижодкорлари изланишда давом этмоқда. Тез кунларда улардан янги ва қизиқарли лойиҳалар кутиб қоламиз.

**Наргиза УМАРОВА,**  
«Turkiston» мухбири



# ҚАЛАМ ВА РАКЕТКА — БИР ҚҮЛДА

Бадминтон юртимизда тез оммалашиб бораётган спорт турларидан бири. Бунинг сабаби қўлига унинг ракеткаси-ни бир бора олган кишини ўзига мафтун қилиб қўйиши бўлса керак. Бу худди қалам тутган одам, албатта, бирор нарса ёзиб ёки чизиб кўришига ўхшайди. Бир марта шу ишни қилган одам унинг лаззатини туюди, қарабсизки...

Аслида спорт ҳам ҳаётнинг бир акси-да. Бадминтон эса гўзал ҳаётнинг ўзи. У билан шуғулланган одам жисмонан чиникиб, соғлиғини мустақамлабгина қолмайди. Гап спортчининг ўз ҳарифини мағлуб этгандаги лаззатида ҳам эмас. Энг муҳими, бадминтон инсонга завқ беради. Кайфиятини кўтаради, ҳатто унда рақибга имконият бой берилган ҳолатда ҳам. Ишонмаганлар ёки сўзимизга эътироз билдирувчилар бўлса, таклиф этамиз: марҳамат, қўлингизга бадминтон ракеткаси ва «қанотли» копточкасини олинг. Унинг ўзи сизни табиат кўйига бошлаб боради, энг яқин дўстларингиз билан мириқиб ўйланг. Жавоб берамиз, камида зерикмайсиз!

Юртимизда бадминтонни янада ривожлантириш, кишилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида 2011 йилнинг 26 августида Ўзбекистон бадминтон федерацияси ташкил этилди. Федерация турли мусобақалар ўтказиб келмоқда.

Яқинда пойтахтимиздаги «Чорсу» спорт клубида 27 июнь — Матбуот



ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб, «Қалам ва ракетка — бир қўлда» шиори остида бадминтон мусобақаси ташкил этилди. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Бадминтон федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур турнирда матбуот, телевидение, радио ва нашриётларда хизмат қилаётган юз нафарга яқин ижодкор-ходимлар совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Эркалар ва аёллар ўртасида жуфтлик ҳамда аралаш жуфтлик турларида жамоавий тарзда ўтказилган мусобақа халқаро бадминтон федерацияси қондалари асосида ташкил этилди.

Очигини айтиш керак, кўпчилик

Бадминтон текис ва қаттиқ майдончада ўйналади. Унинг ракеткаси теннис ракеткаси вазнига қараганда икки-уч маротаба енгил. Рақибларни бир-биридан ажратиб турувчи тўр 155 сантиметр балангликда тутилади. Майдонча ҳажми тўрт киши ўйнайдиган ўйин учун 13,4 x 6,1 метр, икки киши ўйнайдиган ўйин учун 13,4 x 5,2 метр ўлчамда бўлиши керак.

журналистлар учун бу илк уриниш бўлди. Лекин бу ўйинлар шиддатли ўтмади, дегани эмас. Қалам аҳли вакиллари шижоат билан ҳаракатланишди. Ҳатто шундай тасаввур уйғондики, улар қўлига биринчи марта ракетка ушлашмаяпти, гўё олдиндан шуғулланиб келишди.

Бир-биридан қизиқарли ўтган беллашувлар сўнггида голиблар аниқланди. Унга кўра, эркалар ўртасидаги

жуфтлик йўналишида «Бизнес-Daily Медиа» ноширлик уйи ходимлари — Фарҳод Жамолов ва Хусниддин Тўлаганов голиб чиқишди. 2-ўринни «Спорт» телерадиоканали ходимлари Комилжон Жумаев ва Фахриддин Жуманов эгаллаган бўлса, 3-ўринга Мардон Зуннунов ва Шерзод Абдуллаев жуфтлиги («Тошкент» телерадиоканали) муносиб эканини исботлади. Аёллар ўртасидаги жуфтлик йўналишида Шаҳноза Олимова ва Васила Эгамбердиева («Бизнес-Daily Медиа» ноширлик уйи) шохсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. «Спорт» телерадиоканалидан Нигора Гуломова ва Санобар Умархўжаева жуфтлиги иккинчи, «Тошкент» телерадиоканали жамоасидан Сайёра Абдуллаева ва Севара Аҳмедова учинчи ўринни эгаллади. Аралаш жуфтликлар (микст) разрядида ҳам биринчи ўрин «Бизнес-Daily Медиа» жамоасига насиб этди. Жасур Шамшиев ва Маъмура Қосимхўжаева жуфтлиги голиб. «Спорт» телерадиоканали жамоасидан Маъруф Хўжакулов ҳамда Шафоат Толибжонов жуфтлиги 2-, «Тошкент» телерадиоканали ходимлари Икром Йўлдошев ва Севара Аҳмедова жуфтлиги 3-ўринни кўлга киритди. Шунингдек, «Ғалабага бўлган ишончи учун» номинациясида «Спорт» телерадиоканали ходими Малика Муродова голиб деб топилди.

Голиб ва совриндорлар медаллар, эсдалик совгалари ҳамда фажрий ёрликлар билан тақдирланди.

Содиқ ТўРАЕВ

«Yurt kelajagi — 2014»

## ИЧИМЛИК СУВИ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ЁРДАМИДА ОЛИНАДИ

Термиз шаҳрида

«Юрт келажаги» республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда бешта йўналиш бўйича 377 нафар ёш ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.



Ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борган ижодий ишлар сўнггида ўн олтита номинация бўйича қирқ етти нафар голиб аниқланди. Улар орасида қуёш энергияси ёрдамида чўл ҳудудларида яшовчи аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, гўзани томчилатиб, галлани ёмғирлатиб суғориш технологияларидан фойдаланиш ишланмаси билан қатнашаётган Зебунисо Холбоева ҳам бор.

— Танловда техник ишланмалар йўналиши бўйича голиб бўлдим, — дейди Зебунисо Холбоева. — Биринчи ишланмада чўл ва тоғли ҳудудларда қуёш энергияси ёрдамида 250-350 метр чуқурликдаги артезиан қудуқлардан насослар ёрдамида тоза ичимлик

сувини чиқариш мумкинлигини татбиқ этияман. Бу усул ёрдамида сув танқис ҳудудларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш муаммоси бартараф этилади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги экинлари учун ҳам фойдаланилса бўлади. Иккинчи ишланмада эса сув танқис ҳудудларда, қаровсиз ва унумдорлиги пастроқ бўлган ерларда гўзани томчилаб суғориш усулини жорий этганман.

Юртимизда амалга оширилаётган бундай танловлар кўплаб иқтидор эгаларини кашф этмоқда.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» муҳбири



### Кичик боланинг катта ёлғони

Франциянинг Баниоле шаҳрида 12 ёшли болакайнинг ёлғони сабаб бутун мамлакат полицияси оёққа турди.

Аниқроғи, болакайнинг (исми ошкор этилмади) стоматолог қабулига кирмаслик учун тўқиган ёлғони полиция офицерларига қимматга тушди. Маълум бўлишича, у ота-онаси билан стоматология клиникасига боради. Қаттиқ кўрқувдан бола ташқарига чиқиб келишини сўрайди ва жуфтани ростлайди. Катта йўл ёқалаб бораётганида у полиция офицери эътиборига тушади. Полициячи ундан нима қилиб юрганини сўраганида, уни ўғирлашганини, ҳозир қочиб келаётганини айтади. Шунингдек, ўғри баланд бўйли, соқолли, юзида чандиги борлиги ва қора машинада юришини ҳам кўшиб қўяди. Мамлакат полицияси ўғрининг фотороботини чиздириб, тарқатади. Орадан уч кун ўтиб, боланинг ота-онаси фарзандини қидириб полицияга мурожаат қилганидан сўнг барчаси ойдинлашди. Ёш ота-она эътиборсизлиги учун полицияга жарима тўлашга мажбур бўлди. Тиш докторига борилдими, йўқми, бу ҳақда маълумотлар йўқ.

### Футболчи жазоланади

Футбол бўйича Аргентина терма жамоаси етакчиси ва Испаниянинг «Барселона» клуби ҳужумчиси Лионел Месси Испания давлати газнасига 32,9 миллион евро тўлайдиган бўлди.

2,7 миллион евро ижтимоий солиқларни ўз вақтида тўламагани учун жарима сифатида, 25 миллион евро ижтимоий солиқларни тўлашда қоидабузарликка йўл қўйгани учун тўлайди.

Эслатиб ўтамиз, Лионел Мессининг отаси ҳам солиқ тўламаганликда айбланган эди. Суд барча жиҳатларни ўрганиб чиқиб, қарор чиқарди. Унга кўра, барча тўловларни амалга оширган, Мессилар оиласига қўйилган барча айблов олиб ташланади.

### Картошкали автомагистрал

Буюк Британияда катта тезликда картошка бўтқаси олиб кетаётган юк машинаси ағдарилиб кетди.

Натижада катта автомагистралнинг бир неча юз метри картошка бўтқаси билан қопланди. Бахтли тасодиф туфайли ҳеч кимга тан жароҳати етмаган. Ҳайдовчи ҳам соппа-соғ. Бироқ картошка бўтқаси сабаб автомагистралнинг бир қисми вақтинчалик ёпилган. Картошка бўтқасини сув билан ювиш ўт ўчириш хизмати ходимларига топширилди. Улар йўлни бир неча соатда ўз ҳолига қайтаришди.

### Хатолар қимматга тушмоқда

Европага тегишли бўлган 1,2 миллиард АҚШ долари сарф этилган «Falcon-9» ракетаси носозлиги туфайли, сўнгги лаҳзада парвози бекор қилинди.

Носозлик дунёдаги энг улкан ракетанинг ёнилғи бакида борлиги аниқланди. Ракета «Boeing» авиакомпанияси томонидан ишлаб чиқарилган, шу боис, заводга қайтариб юборилди. Эслатиб ўтамиз, ҳаво кемасининг парвози техник носозликлар туфайли иккинчи маротаба бекор қилинди. Айни пайтда «Boeing» авиакомпанияси жаримага тортилиши ҳам мумкин.

Интернет манбалари асосида  
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади



